

## Риёзус солиҳийн / Риёзус солиҳийн / 87-ҳадис

87 - :«...» - ... :«...»  
... - ...  
... :«...»  
... :«...»  
... «...»  
... :«...»  
3427 [ 5094 ] ...

1. 87. Мўминлар онаси Умму Салама розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

(Унинг исми Ҳинд бинти Аби Умайя Ҳузайфа ал-Махзумийядир)

Набий соллаллоху алайҳи васаллам қачон уйларида чиксалар:

**«Бисмиллаҳи таваккалту ʼалаллоҳи. Аллоҳумма инний аъзузу бика ан адилла ав удалла ав азилла ав узалла ав азлима ав узлама ав ажҳала ав йужҳала ʼалаййа»**, деб айтардилар.

Саҳиҳ ҳадис бўлиб, Абу Довуд, Термизий ва икковларидан бошқалар саҳиҳ санадлар билан ривоят қилишган. Термизий, ҳасан, саҳиҳ ҳадис, деган. Бу Абу Довуднинг лафзидир.

\* **Маъноси:** «Аллоҳ номи билан, Аллоҳга таваккал қилдим. Аллоҳим, залолатга кетишдан ва залолатга кетказишдан, тойилишдан ва тойилтиришдан, зулм қилишдан ва зулм қилинишдан, жоҳиллик қилишдан ва менга жоҳиллик қилинишидан паноҳ тилайман».

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)



HADIS.ISLOM.UZ  
NUBUVVAT MARVARIDLARI

